



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 62 (12.623)

Баҳоси эркин нарҳда

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ЭТИЛГАН, КОНСТИТУЦИЯГА КИРИТИЛАЁТГАН ТУЗАТИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МУҲИМ ҚОНУННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Кунни кеча Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига) қонун лойиҳасини қўриб чиқиш мажлиси кун тартибдаги бош масала бўлди. Ушбу ҳужжат, аввало, давлат ҳокимияти тизимини янада демократлаштириш, давлат бошқаруви-нинг энг муҳим принципларини амалга оширишнинг конституциявий механизмларини такомиллаштириш — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари мустақиллиги ва тенглиги, ваколатлари мутаносиблигини, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг самарали ишлашини таъминлашга қаратилган.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қўриб чиқишга тайёрлаш чоғида унинг асосий гоя ва қоидаларини муҳокама этиш ҳамда чуқур ўрганиш юзасидан бир қанча учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Уларда сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, мутахассис ва олимлар, юрист-хуқуқшунослар иштирок этдилар. Қонун лойиҳаси сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг мажлисларида, Қонунчилик палатаси кўмиталарида фаол ва кенг муҳокама қилинди. Ана шу муҳокамалар пайтида депутатлар давлатимиз раҳбарининг қонунчилик ташаббусларини тўлиқ қўллаб-қувватладилар, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилаётган тузатишларнинг ўз вақтида қўйилгани ва муҳимлигини қайд этдилар.

Депутатлар давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббуси Ўзбекистонда ўзини тўлиқ оқлаган ислохотларнинг «Ўзбек модели» асосида амалга оширилаётган демократик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат қурилиши ва конституциявий тузумни изчил ўзгартириш ҳамда демократик янгилаш жараёнларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришнинг алоҳида таъкидладилар. Қонун «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деб номланган мамлакатимиз тараққиётининг бош принципини амалга оширишнинг бундан буён ҳам давом эттириш, мамлакатимиз Конституциясида мустақамлаб қўйилган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда демократиянинг бошқа умумэтироф этилган қадрият ва нормаларининг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган сиёсий тузумни шакллантиришда улкан аҳамиятга эга.

Депутатлар эришилган марралар, жамиятимиз ҳаётида жадал юз бераётган ўзгаришлар, шунингдек, ривожланган демократик давлатларга қаторига кириш бора-сида биз ўз олдимишга қўйган мақсад Конституциямизга аниқлашди.

киритиш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган қонунчилик ташаббусларига асос бўлиб хизмат қилганини алоҳида таъкидладилар.

Қонун лойиҳасини модда-модда муҳокама этиш чоғида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар Конституциянинг 98-моддасида Президент ваколатларининг бир қисmini Бош вазирга ўтказишни, умуман, Вазирлар Маҳкамасининг ваколат ва ҳуқуқларини аниқлаштириш ҳамда кенгайтиришни назарда тутадиган нормалар мустақамлаб қўйилиши муҳим эканини қайд этдилар.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, илм-фан, маданият, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ҳамда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун масъулият юклатилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, қонунда белгиланган тартибда уларнинг фаолиятига назорат қилинишини таъминлайди. Депутатларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг сиёсий ва конституциявий ривожлантириш мантигининг ўзи Вазирлар Маҳкамасининг мустақиллиги ва масъулиятини таъминлашга қаратилган ушбу қоидаларни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг аъзолари Конституциянинг 78-моддасидаги Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини назорат қилиш бўйича парламент палаталарининг роли ва ваколатларини кенгайтиришнинг кўзда тутиладиган янги қоидаларга эътибор қаратдилар.

Депутатларнинг фикрича, Бош вазир лавозимига номзод парламентда унинг номзоди қўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётган пайтда ҳукуматнинг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиши ҳақидаги норманинг Конституцияга киритилишини сиёсий партияларга ҳукуматнинг тугган йўли ва дастурлари ёки унинг алоҳида йўналишлари юзасидан ўз нуктаи назарини аниқ белгилаб олиш имконини беради. Конституцияга киритилаётган ушбу тузатиш демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган парламентаризм, кўппартиявийлик тизими ва партияларaro рақобат, фракцияларaro курашни янада мустақамлашда гоят муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, қонун лойиҳасида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир энг муҳим масалалар юзасидан ҳукуматнинг ҳар йили ўз маърузаларини парламентга тақдим этиш мажбурияти назарда тутилган ҳам бунга қўмақлашади.

(Давоми 2-бетда)



**Бугун
шаҳримиздаги
«Кўргазмасавдо»
мажмуасида
инновацион
ғоялар,
технологиялар
ва лойиҳалар
ярмаркаси ўз
ишини
бошлади.**



ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР, ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЛОЙИҲАЛАР ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

VII республика инновацион ғоялар ярмаркаси доирасида ўтказилаётган мазкур тадбирда ишлаб чиқариш ғояларини кенг оммага намойиш этиш, ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида шаҳримизнинг барча туманларидан жами уч юздан зиёд корхона ва ташкилотлар, шунингдек, олий ўқув юрлари ҳамда касб-хунар коллежлари талабалари иштирок этмоқда.

Ярмарка Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти, Сирдарё вилояти ҳомиликлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат алоқа ва телекоммуникация қўмитаси, Тошкент шаҳар Иқтисодиёт бош бошқармаси, «Ўзбекнефтегаз» МХК, «Ўзкимёсаноат» ДАК, «Ўзавтосаноат» АК, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК, «Ўзқурилиш материаллари» АК, «Ўзэлтехсаноат», Олмалик тоғ металлургия комбинати, Навоий тоғ металлургия комбинати, «Ўзфармасаноат» ДАК томонидан ташкил эти-

лаётган бўлиб, тақдим этилган махсулотларнинг хилма-хиллиги билан кенг доирани қамраб олишга имкон беради. Инновацион ғоялар ва технологиялар, соғлиқни сақлаш, таълим, қурилиш, телекоммуникация, коммунал соҳа, қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларига тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий ҳодимларининг кўргазмаларида полиэтилен ишлаб чиқаришдаги чиқатларни қайта ишлаш, оқова сувларни ҳамда тупроқни нефть ва нефть қолдиқларидан экологик тоза биотехнология билан тозалаш, қишлоқда яшовчилар учун қувватли тежовчи фотозлектрик иссиқхоналар каби замонавий ишланмалар билан таништириш мумкин.

Тошкент шаҳри экспозицияларида асосан саноат ва коммунал соҳалардаги лойиҳалар намойиш этилмоқда. Улар ичида кўп қаватли турар жойлар йўлакларини қувватли тежаган ҳолда ёритиш,

ақлли уй тизимини яратиш ва бошқалар ярмарка қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Алоҳида кўргазма стендларида ўтган йилги ярмарка технологияларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган махсулотлар намойиш этилмоқда.

Ўтган йили айрим сабабларга кўра татбиқ қилинмаган 50 та лойиҳа ҳам VII республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида қайтадан тақдим этилмоқда.

Ушбу кўргазма-ярмаркада Фанлар академиясининг 15 та муассасасидан 66 та, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тал-сарруфидан 18 та муассасасидан 157 та ҳамда турли вазирликлар, идоралар, ҳўсусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари томонидан 48 та, жами 33 та муассасанинг 267 та лойиҳалари қатнашчилар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

Фаррух БАҲРОМОВ
Ислом Исмоилов олган суратлар

НАВРЎЗИ ОЛАМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ВАКИЛЛАРИ НИГОҲИДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий бонда Наврўз байрами муносабати билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда Тошкентда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар ҳамда дипломатия миссияларининг раҳбарлари ва вакиллари ҳам иштирок этди. Улар байрам шодиёнасида ортирган таассуротларини ҳамда ушбу баҳор айёми ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирлари билан ўртоқлашди.

Марианн Пшезьдзецки,
Польшанинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Наврўз қувончбахш байрамдир. У орзиқиб қутилган қуёш тафтининг, янги ҳаётга рағбат ва кўлам ибтидосининг рамзи саналади. Мазкур айём инсон қалбини янгида янги ниятларга ва бунёдкорлик завқ-шавақи тўлдирди. Баҳор кириб келишини қутиб олишнинг бетақор тантанаси бўлиши Наврўз бир-биримизга эзгу ниятлар билдиришимиз учун ҳам ажойиб имконият ҳисобланади.

Мен Наврўзни тўртинчи мартаба Тошкентда нишонламоқдман. Афсуски, жорий йил сўнггида менинг Ўзбекистондаги миссиям ниҳоясига етди. Бироқ умримнинг охиригача Ўзбекистонда ўтказган ажойиб дамларимни ёдимда сақлаб қоламан.

Ўзбекистон халқига ўзимнинг эзгу тилакларимни изҳор этаман. Барча орзу-истакларингиз амалга ошсин, ҳаётингиз бундан-да ёруғ ва саодатли бўлсин! Уйларингизда ҳар доим шоду хуррамлик, тинчлик ва осойишталик ҳўкм сурсин. Наврўз байрамингиз муборак!

Риоз Хўссадн Бухари,
Покистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Фурсатдан фойдаланиб, бутун Ўзбекистон аҳлини баҳор айёми — Наврўз байрам табриклайман.

Ушбу ёрқин байрам Покистонда ҳам кенг нишонланади, у «Жашне Баҳар» деб аталади. Бу мамлакатларимиз халқларининг аънавалари, тарихи ва маданияти муштарак эканлигидан далолат беради.

Бутун Ўзбекистон бўйлаб кезаётган Наврўз шўқуи миллат бирдамлигининг, ушбу заминда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар вакиллари ўртасидаги мустақам дўстликнинг тантанаси ҳамдир.

Барча покистонликлар номидан дўст Ўзбекистон халқини кириб келган қўлам байрами — Наврўз билан яна бир бор табриклайман. Сизларга фаровонлик, тинчлик-осойишталик ва ҳамжиҳатлик, тараққиёт ҳамда раванқ тилайман.

Дўстона муносабатларимиз келгусида янада ривож топиб, мустақамланишига ишончим комил.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғона шаҳрида нашриётлар фаолиятида лицензия битими талабларига риоя қилинишига доир долзарб муаммолар ва ноширлик масъулияти мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида фаолият кўрсатаётган ноширлик ва матбаа корхоналари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, олимлар, журналистлар иштирок этди.

• Термиз шаҳрида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда етмишга яқин корхона, ташкилот ва муассаса 425 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Термиз шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 40 нафарга яқин аҳоли ишга жойлашиш учун йўлланма олди. Уларнинг ўндан ортиғи касб-хунар коллежи битирувчиларидир.

• Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида «Жавохир Ҳикматилла» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. 400 миллион сўм капитал маблағ ҳамда «Қишлоқ қурилиш банк» Янгиер шаҳар филиалининг 100 миллион сўмлик имтиёзли кредити эвазига иш бошлаган корхона оҳақ, тош, графит каби хомашёлардан кунига 2 тонна карбид кальций махсулотини ишлаб чиқариш қувватига эга.

• Бухорода «Қамолот» шахмат тахтаси» аънавий республика турнирининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилган турнирда умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг 6 ёшдан 19 ёшгача бўлган 130 нафар ўқувчиси иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Японияда вулқон отилиши натижасида ҳосил бўлган оролнинг ҳажми ўтган тўрт ой давомида 70 баробар кўпайди. Кўпинча вулқон отилишидан ҳосил бўлган ороллар кейинчалик яна океан тубига чўкиб кетади. Агарда Япониянинг янги оролини бундай тақдир кутмаётган бўлса, Кунчиқа мамлакатини ўз худудининг озгина кўпайишига умид қилиши мумкин.

• Австралия бош вазири Тони Эббот ватан олдида алоҳида хизмат кўрсатган фуқаролар учун рицарлик унвони берилишининг қайтадан жорий этилишини маълум қилди.

• АКШнинг Чикаго шаҳрида шаҳар транспорт тизими йўналишида қатновчи поезднинг издан чиқиб, станцияда турган платформа ва эскалаторга урилиб кетиши натижасида 30 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Қизиги шундаки, ушбу тўқнашувга поездни бошқараётган ҳайдовчининг зўриқиб ишлаши туфайли уйкуга кетганлиги сабаб бўлган.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КИНОЧИЛАР** уйда «Ўзбекино» Миллий агентлиги ва

Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида япониялик ижодкорлар томонидан суратга олинган фильмлар намойишга бағишланган тадбир ташкил этилди.

✓ **БУГУН** «Саховат спорт сервис» АЖга қарашли теннис кортида Наврўз байрамига бағишланган тадбир ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Респуб-

ликаси Ички ишлар вазирлиги академиясида Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари навбатдаги ўқув йиғини курсларининг битирув маросимида бағишланган тадбир ўтказилади.



ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!

НАВРЎЗИ ОЛАМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ВАКИЛЛАРИ НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Балқар Мухаммад Нур Юсеф,
Иордания Ҳошимийлар
Кироллигининг Ўзбекистон
Республикасидаги Фавкул
лодда ва мухтор элчиси:
— Наврўзга бағишланган тантаналарни кузатар эканман, тadbирнинг ранг-баранглиги ва кўлами, ўзбек миллий либосларининг чиройи, иштирокчилар чехрасидаги самимият ҳамда қувонч мени хайратлантирди.

Президент Ислам Каримовнинг жуда мазмундор байрам табригини катта мамнуният билан тингладим. Давлатингиз раҳбарининг ташаббуслари ҳар доим ва ҳамма жойда, хусусан, Ўзбекистондан ташқарида ҳам тўла тушунилади ва кўлаб-қувватланади.

Ушбу минг йиллик қувончли байрамни сизлар билан бирга

нишонлаганимдан бахтиёрман. Ўзбек халқини Наврўз билан табриклияман, мамлакатингизга катта муваффақиятлар ҳамда фаровонлик тилайман.

Ондрей Шимек,
Европа Иттифоқининг
Ўзбекистон Республикасида
ги делегацияси Сийёсат,
матбуот ва ахборот масала
лари бўйича бўлими раҳбари:

— Ушбу чинакам гўзал ва муҳим байрамда иштирок этганимдан мамнунман. Фурсатдан фойдаланиб, барча ўзбекистонликларни, мамлакат меҳмонларини ҳамда дипломатия корпусидаги ҳамкасбларимни байрам билан қутлайман, уларга муваффақиятлар, соғлиқ-саломатлик ва албатта, эзгу тилакларни изҳор этаман.

Биз тинчлик, эзгулик ва ҳамжihatлик гоёларини ўзида муҳассамлаштирган ажойиб тантананинг гувоҳи бўлдик. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Рес-

публикаси Президенти ёшларнинг баркамол бўлиб тарбияланиши ва уларнинг ютуқлари ҳамда ёш авлод вакиллари мамлакат келажагида тутадиган муҳим аҳамияти хусусида алоҳида тўхталди. Европа Иттифоқи таълим, маданий тараққиёт, мамлакатлар ва халқлар, шу жумладан, ёшлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш каби соҳалардаги ташаббусларни доимо кўллаб-қувватлаб келган.

Биз «Эразмус» ва «Темпус» таълим дастурлари доирасида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилмоқдамиз. Хусусан, ҳар йили Ўзбекистонда Европа таълими кунларини нишонлаймиз. Жорий йилда лойиҳалар мустаҳкамланди, уларни молиялаштириш ҳамми ошди. Бу эса, шубҳасиз, кўплаб олий ўқув юртиларнинг мазкур лойиҳаларда иштирок этиш имкониятини кенгайтирди.

«Жаҳон» АА

Учтепа туманидаги «Бешқайрағоч» маҳалласида «Ассалом, Наврўз» мавзусида байрам тадбири бўлиб ўтди.

МАҲАЛЛАДА ҚЎШ ШОДИЁНА

Ушбу маҳаллада олти минг аҳоли истиқомат қилади. 1265 та оила бор. Худуддаги иккита замонавий мактаб маъмурияти, оила ва маҳалла ҳамкорлиги самарали натижаларни бермоқда.

Жумладан, маҳаллада спорт мусобақалари ўтказишга катта эътибор қаратишмоқда. «Балли, йигитлар!», «Ораста қизлар» каби танловлар уюштириш яхши анъанага айланган. Бу йил «Соғлом бола йили» муносабати билан кўчалар бўйича футбол, шахмат-шашка беллашувларини ташкил этиш режалари тузилаётти.

Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом этиб тарбиялашда оилаларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг тадбиркорлиги фарзандларнинг меҳнатсевар, ишбилармон, ҳалол бўлишлари, келажақда мустақам оила қуришларида ўзига хос ўрин тутиши табиий.

— Юртимизда яратилган кенг имкониятлар сабабли худудимизда 60дан ортиқ оилавий тадбир-

корлар фаолият олиб боришмоқда, — деди маҳалла фаоли Тўлқин Ҳайдаров. — Масалан, Аҳмаджон Боботоевлар оиласи новвойчилик билан шугулланса, Иброҳим Оймуҳамедов, Ориф Худойбердиевлар энгил автомобиллар таъмири билан бандлар. Маъсур Ибодов, Мурод Файзиёвлар оиласи ҳўрандаларга хизмат кўрсатишади.

Ана шундай аҳил-иноқ маҳаллада Наврўз байрами ҳам жуда фазли ўтди. Тадбир доирасида 12 нафар боланинг мучал тўйи ўтказилди. Худуддаги мактабларнинг аълочи ўқувчиларига фахрий ёрликлар топширилди. 29та кам таъминланган оила, 23 нафар ногирон ҳолидан хабар олинди. Табаррук ёшдаги отахон ва онахонлар баҳор байрами билан қутланди. Бу каби ишларга маҳалла раиси Ўткир Ҳайдаров бошчилигидаги фаоллар муносиб ҳисса қўшдилар.

Абдусаттор ХАТАМОВ

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ЯНГИ ЎҚУВ БОСҚИЧИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидаги Тошкент бирлашган техника мактабида Қуролли Кучларга мутахассислар тайёрлаб бўйича янги ўқув босқичига қабул қилиш маросими ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, ташкилот тизимидаги ўқув муассасаларида жумладан, Тошкент бирлашган техника мактабида ҳар йили Ўзбекистон Қуролли Кучларига етук мутахассислар тайёрлаб берилмоқда. Ташкилот тасарруфидаги ўқув спорт техника клублари қошидаги ҳарбий амалий аҳамиятга эга бўлган секция ва тўғаракларга жалб этилган ўсмир-ёшларнинг бу спорт турларига қизиқишлари уларнинг Ватанисининг етук, баркамол ҳимоячилари бўлиб етишишлари имкон яратди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Мажид Умаров, Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси ходими, подполковник Хусниддин Наримов, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Файрат Алиходжаев ва бошқалар мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасида ҳарбий хизмат ёшларимиз учун шун-шарф ишига айлангани, амалдаги синовлардан муваффақиятли ўтган, ҳар жихатдан етук йигитларгина саралаб хизматга жўнатилаётганини таъкидлашди.

— Ташкилотнинг асосий мақсадларидан бўлган Қуролли Кучларга етук мутахассислар тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги» Қонунининг 14-моддасига асосан амалга оширилмоқда, — дейди Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Саидқаром Ганиев. — Бу ишга шахримизда жойлашган Тошкент бирлашган техника мактаби ўз ҳис-

сасини қўшмоқда. Ушбу даргоҳда ҳар йили Ўзбекистон Қуролли Кучларига етук мутахассислар тайёрлаб келинмоқда. Айтиш жоизки, мактабда малакали ўқитувчилар ва амалий машқ бошқарув усталари ҳайдовчилик сирларини ўргатишади. Мактабда бу борада барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, синфлар, амалий машғулот хоналари замонавий кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Мактаб ёшларини ҳарбий хизматга тайёрлашнинг комплекс тарзда амалга оширилишини ташкил этади ва назорат қилади.

Чақирилувчиларга дастурда кўрсатилган машғулотлар бериб берилмоқда. Бу дастурга нафақат ҳайдовчилик сирлари, балки бошланғич ҳарбий таълим, маънавият соатлари ва жисмоний тарбия машғулотлари ҳам киритилган. Мактабда спортнинг техник ва амалий турларидан бўлимиш картинг, ўқ отиш, автомобилда фигуралӣ ҳайдаш, моделчилик секциялари мавжуд ва ушбу спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади.

Ватан ҳимоясини нафақат мард, жасур ва кўрқмас, балки тарихини теран, юртимизда етишиб чиққан буюк саркардалар, алломалар ва мутафаккирлар авлодидан эканлигини, бизнинг миллатимиз, халқимиз ўзининг бой тарихига эга эканлигини билиши шарт. Айнан шу мақсадда мактаб қошида «Шонли Ватан тарихи» музейи фаолият кўрсатмоқда. Мазкур музей бизга тарихимиз, буюк саркардалар ва мутафаккирларимиз тўғрисида маълумот беради. Музейга бошқа ташкилотлар, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, мактаблар ўқувчилари ҳам ташриф буюришади ва маънавий озик олиш имконига эга бўлишади.

Зиёда РАСУЛОВА



Елқин Шамсидинов (ЎЗА) олган сурат

МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

Пойтахтимизда «Ўзвинсаноат-холдинг» компаниясини ривожлантириш истиқболлари ва моддий-техник базасини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган чоратадбирлар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг ҳар бир йўналишида корхоналар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва янги технологияларни жалб қилишга катта эътибор қаратишмоқда. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш кўлами, маҳсулот сифати ва экспортда юқори кўрсаткичларга эришиляптир.

Бу борада «Ўзвинсаноат-холдинг» компаниясида ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Компания тизимидаги корхоналарда халқаро стандартларга жавоб берадиган, юқори сифатли экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш мақсадида модернизация ишлари олиб борилмоқда.

Қилинган ишлар самараси ўлароқ ўтган 2013 йилда компания корхоналари томонидан 123,4 минг тонна узум қайта ишланди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда ўз хараидорларига эга бўлиб бормоқда. Жорий йилги мавсумда эса 132 минг тонна узумни қайта ишлаш режалаштирилган.

Компания таркибидаги 43 та саноат корхоналари қошида йилига 200 минг тонна қувватга эга 83 та узумни қайта ишлаш шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. 2015 йилга қадар соҳани ривожлантириш дастурида узумни бирламчи қайта

ишлаш шохобчалари сонини 90 тагача кўпайтирган ҳолда уларнинг қувватларини йилига 215 минг тоннага етказиш кўзда тутилган. Шу ўринда айтиш жоизки, тизимдаги саноат корхоналари тасарруфида 2011 йилда 2,9 минг гектар тоқзорлар мавжуд бўлса, ўтган йили уларнинг майдони 4,4 минг гектарга кенгайтирилди.

Бугунги кунда компания томонидан ишлаб чиқариш диверсификациялаш ва маҳсулотлар кўламини кенгайтириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Компания тизимидаги корхоналар томонидан жорий йил давомида 168 та янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш тадбирлари белгиланди.

Модернизациялашнинг асосий йўналишларидан ташқари, холдинг корхоналари томонидан яқин келажақда мева-ли, сабзавотли табиий шарбатлар, консерва маҳсулотлари, нон ва қандолат маҳсулотлари, минерал сув ва бошқа салқин ичимликларни ишлаб чиқариш ташкил этиш ва 30 дан зиёд инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Абдуалим САЛИМОВ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ЭТИЛГАН, КОНСТИТУЦИЯГА КИРИТИЛАЁТГАН ТУЗАТИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МУҲИМ ҚОНУННИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг аъзолари Конституциянинг 103-моддасига киритилаётган қўшимчаларнинг алоҳида долзарб аҳамиятга эга эканини қайд этдилар. Мазкур қўшимчаларга мувофиқ вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг зиммасига халқ депутатлари тегишли Кенгашларига вилоят, туман, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир энг муҳим ва долзарб масалалар юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш мажбурияти юклатилмоқда. Халқ депутатлари Кенгашлари эса ушбу ҳисоботлар бўйича тегишли қарорлар қабул қилади.

Шу тариқа депутатлар вакиллик органларининг роли ва аҳамияти, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ҳақиқий имкониятлари тубдан кучаяди, шунингдек, минтақаларни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ устувор йўналишларини белгилашда сиёсий партиялар, уларнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар гуруҳларининг роли анча ошади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси депутатлари Конституциянинг 117-моддасига киритилаётган, мамлакатимиз сайлов тизимининг конституциявий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган тузатишларнинг алоҳида муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар. Ушбу тузатишларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилиши белгилаб қўйилмоқда. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг мустақиллиги, қонунийлиги, қоллегаллиги, ошқоралик, адолатлиликдан иборат асосий принциплари мустаҳкамланмоқда. Депутатларнинг қайд этишлари, кўплаб ривожланган демократик мамлакатларда сайловлар ижро этувчи ҳокимият органлари — Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги каби вазирликлар томонидан ташкил этилади. Марказий сайлов комиссиясига парламент томонидан тузиладиган мустақил конституциявий орган мақоми берилиши эса фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига сайлаш ва сайланишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишни тўлиқ таъминлайдиган сайлов тизимини янада демократлаштириш, шунингдек, сўз эркинлиги, ўз хоҳиш-ирода-сини эркин билдириш борасидаги ҳуқуқлар кафолатларини кучайтириш йўлидаги муҳим қадамдир.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари фикрича, Конституциянинг 32-моддасига киритилаётган тузатишларда давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати институтининг мустаҳкамлини назарда тутилган ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги энг муҳим вазифаларни ҳал этишда фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини анча кучайтиради. Ушбу норма давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашда, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, соғлом ва баркамол ёш авлодни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Экологик ҳаракатдан сайланган депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасида назарда тутилган янги ҳуқуқий нормаларнинг мамлакатимиз Конституциясига киритилиши парламент палаталаридан фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўйича шакл ва усулларни янада такомиллаштиришни талаб этади. Шу муносабат билан кўриб чиқилаётган қонунлар лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш ва очик муҳокама қилиш, ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг жойларда ижтимоий-иқтисодий соҳада юзага келган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотини эшитиб бориш каби фаолият шаклларида янада самаралироқ фойдаланишнинг муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Шунингдек, депутатлар миллий давлатчилик ва сиёсий тузумни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш учун улкан аҳамиятга эга бўлган бошқа қатор конституциявий янгиликларни ҳам қайд этдилар.

Уларнинг фикрича, Конституцияга киритилаётган тузатишлар, ўз навбатида, депутатлардан демократик ислохот ва ўзгаришларни муваффақиятли ва самарали амалга ошириш учун зарур бўлган, ҳаёт талаб қилган қонунларни қабул қилишни, шунингдек, ўз сайловчилари билан ишлашни тубдан яхшилашни тақозо этади. Конституцияга киритилаётган тузатишларнинг ҳаётга муваффақиятли жорий этилиши фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишни, сиёсий партияларнинг юксак даражада етук, мамлакатимиз тақдир ва келажаги учун улкан масъулиятини ўз зиммасига олишга тайёр бўлишини талаб қилади.

Мазкур ҳужжатни ҳар томонлама кенг муҳокама қилиш яқунларига кўра, Қонунчилик палатаси «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонунни қабул қилди.

Бунда депутатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларни кенг муҳокама қилишни давом эттириш, уларнинг мазмун-моҳиятини мамлакатимизнинг барча фуқароларига етказиш зарурлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

ЖАҒАТЛИК

ТЕЛЕАСТУРЛАР

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Ҳаёт» Х/ф.
7.25 «Икким»
7.30 Миллий сериал: «Умидингиз сўнми?»
8.00 «Тахлилнома»
8.40 «Ўсимликлар ҳаёти» Х/ф.
9.30 «Орган - дарё»
9.55 «Икким»
10.00 «Рухунос» Т/с.
10.45 «Қўнғуз амакиннинг қиссалари» М/с.
11.00 «Ахборот»
11.10 «Ватанпарвар»
11.55 «Икким»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Мен ва У»
13.30 «Икким»
13.35 «Ибратли одамлар»
14.00 «Ахборот»
14.15 «Хидоят сари»
14.35 Миллий сериал: «Ҳаёт вальси»
15.05 «Хонадондаги черков»
15.25 «Икким»
15.30 «Чинор» В/ф.
16.30 «Тараққиёт дастури»
17.00 «Ахборот»
17.10 «Қўнғулнинг бирида»
17.30 «Эркин фикр»
17.40 «Аёл ва замон»
18.00 «Қўнғул қўшқ истаиди»
18.15 «ТВ-шифокор»
18.20 «Қорачик»
18.40 «Рухунос» Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Навоий бўстонида»
20.10 «Бўрилар замини» Т/с.
21.00 «Ахборот»
21.40 «Муносабат»
22.10 «Қўнғул қўшқ истаиди»
22.25 «Доктор Хаус» Т/с.
23.10 «23.40 «Ҳаёт» Х/ф.
23.40 Кўрсатувлар дастури.
23.45 «Мен ва У»
00.10 «Қорачик»
00.30 Миллий сериал: «Ҳаёт вальси»
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 ТелеТаблиц: «Чимилдик»
1-қисм.
2.05 «Шарқ тароналари»
2.20 «Ватанпарвар»
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот»
4.40 Миллий сериал: «Умидингиз сўнми?»
5.10 «Ибратли одамлар»
5.30 - 5.55 «Орган - дарё»
Ёшлар
6.00 «Ватан меҳри»
6.10 «Таранг»
6.50 «Оғоҳ бўлинг»
7.00 «Мультипранорама»
7.50 «Ўйланган оғуш» Т/с.
8.40 «Ёшлар навоилари»
9.00 «Канализация» Т/с.
9.50 «ЎзЕХ»
10.00 «Камолот инфо»
10.10 «Ҳаёт пўли» Б/ф.
11.50 «Ёшлар тарбиясида маҳалла уюми»
12.10 «Бир қадам» Т/с.
12.50 «Оғоҳ бўлинг»
13.00 «Давр»
13.10 «Жилжабон» Т/с.
13.50 «Сиз бундан биласизми?»
14.30 «Автопатруль»
14.50 «Қораллоқ ҳаёт»
15.10 «Соғлом оила - соғлом бола»
15.30 «Сув остига саёҳат»

15.50 «ЎзЕХ»
16.00 «Давр»
16.10 «Афсунгар» Т/с.
17.00 «Камолот инфо»
17.10 «Зулфия издошлари»
17.30 «Жаннат» Б/ф. 1-қисм.
18.50 «ЎзЕХ»
19.00 «Давр»
19.30 «Канализация» Т/с.
20.00 «Сўз ёшларга»
20.50 «Табии» Т/с.
21.40 «Ёшлар навоилари»
22.00 «Давр»
22.30 «Янги Шерлок Холмс» Т/с.
23.20 «Сиз бундан биласизми?»
00.00 «Ватан меҳри»
00.10 «Афсунгар» Т/с.
1.00 «Афсона ва ҳақиқат»
1.40 «Муъжизавий дунё»
2.40 «Ёшлар тарбиясида маҳалла уюми»
3.00 «Нукта назар»
3.40 «Автопатруль»
4.00 «Қўнғул ва ғўзал» Х/ф.
4.20 «Зулфия издошлари»
4.40 «Соғлом оила - соғлом бола»
5.00 «Давр»
5.30 «Мумтоз наво»
5.50-6.00 «Телеуффа»

Тошкент

6.00 «Мадина»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Хамса» Интеллектуал уйин.
6.55 «Анонс»
7.00 «Пойтахт»
7.20 «Анонс»
7.25 «Доллар бисотида»
Тошкент
6.00 «Мадина»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Хамса» Интеллектуал уйин.
6.55 «Анонс»
7.00 «Пойтахт»
7.20 «Анонс»
7.25 «Доллар бисотида»
7.30 Тошкент тароналари.
7.45 «Интеллектуал аукцион»
7.55 «Анонс»
8.00 «Салом, Тошкент!»
9.00 Мультисериал: «Шумтакалар»
17-18 қисмлар.
9.25 «Интервью»
9.40 Миллий сериал: «Антика қувё»
12-қисм.
10.05 «Анонс»
10.10 «Уйларим»
10.15 «Мисли гахлар»
10.30 «Пойтахт» /Рус тилида/
10.40 «Анонс»
10.45 «Тошкент қўчалари»
10.50 «Адолат мезони»
11.05 «Оқшом» Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Анонс»
15.00 «Пойтахт»
15.15 «Анонс»
15.20 «Танчани нуктаси»
15.25 «Интеллектуал аукцион»
15.55 «Саргузаштлар ороли»
16.20 Мультисериал: «Денгиз итлари»
11-қисм.
16.45 «Бизнес-пайтахт»
16.50 «Икки тақдир» Т/с. 168-қисм.
17.10 «Истеъдод»
17.25 «Оқ-пайтахт»
17.35 «Интервью»
17.45 «Карвонсарой»
17.55 «Эртанинг эгалари»
18.10 «Химоя»
18.25 «Анонс»
18.30 «Пойтахт»
18.55 Миллий сериал: «Антика қувё»
13-қисм.
19.20 «Анонс»
19.25 Тошкент тароналари.

ДУШАНБА, 31

7.30 Тошкент тароналари.
7.45 «Интеллектуал аукцион»
7.55 «Анонс»
8.00 «Салом, Тошкент!»
9.00 Мультисериал: «Шумтакалар»
17-18 қисмлар.
9.25 «Интервью»
9.40 Миллий сериал: «Антика қувё»
12-қисм.
10.05 «Анонс»
10.10 «Уйларим»
10.15 «Мисли гахлар»
10.30 «Пойтахт» /Рус тилида/
10.40 «Анонс»
10.45 «Тошкент қўчалари»
10.50 «Адолат мезони»
11.05 «Оқшом» Б/ф.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Анонс»
15.00 «Пойтахт»
15.15 «Анонс»
15.20 «Танчани нуктаси»
15.25 «Интеллектуал аукцион»
15.55 «Саргузаштлар ороли»
16.20 Мультисериал: «Денгиз итлари»
11-қисм.
16.45 «Бизнес-пайтахт»
